

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

Protected by PDF Anti-Copy Free

2020 йил декабрь ойининг 16 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди ўз биносига, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: судья Д.Камилов, суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси Д.Жанов, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Рустамов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ўқуқини химоя қилувчи “Lawyer Nigora Sadikovna” адвокатлик бюроси адвокати Н.Икрамоваларнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 1-қисми билан айбланган:

[REDACTED]
Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, “Дилшод Ривож” оилавий корхонада сартарош бўлиб ишлайди, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] да яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган, [REDACTED]

[REDACTED] га
оид 1-1007-2001/339-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи [REDACTED], 2020 йил июль ойининг 8 куни, ўз бошқарувидаги “Спарк” русумли, давлат рақами 01 542 NGA бўлган автомашинада йўловчи ташиш учун лицензияга эга бўмласдан, аҳолига пулли хизмат кўрсатиб келаётгани аниқланиб, ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар Транспорт Бошқармаси инспекторлари томонидан автомашина жарима майдонига жойлаштирилиши учун жарима майдонига олиб борилиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176³-моддаси билан маъмурий баённома расмийлаштирилаётган вақтида, ходимларнинг чалғиганидан фойдаланиб, катъий ҳисобдаги баённома бланкасини ғараз ниятларда эгаллаб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига иқрорлик билдирмасдан, 2020 йил 8 июнь ўз бошқарувидаги “Спарк” русумли автомашинада “Фарход деҳқон бозори” томонга кетаётганида, Учтепа тумани 23-мавзеси чоррахасида бир эркакнинг йўловчи автомашина тўхтаиб турганини кўриб, уни ёнида тўхтаганлигини, сўнг ушбу эркак кейинги чоррахага қадар бориши лозимлигини айтганида, йўли бўлгани сабабли, йўлкира баҳосини келишмасдан унга автомашинага ўтиришини айтганлигини, шундан сўнг йўлида давом этганлигини, бир оз юрганидан сўнг автомашинасини ЙХХБ ходимлари тўхтатишганини ва ҳужжатларни тақдим қилишни сўрашганлигини, шунда автомашинани боқшариш учун огоҳлантириш талони йўқлигини билганлигини, ЙХХБ ходимлари ёнида Транспорт Бошқармаси ходимлари ҳам бўлиб, уни



ёнидаги йўловчи ҳақида маълумот сўрашганлигини, шунда ушбу шахсни йўли бўлгани сабабли манзилига олиб бериб қўймоқчи бўлганлигини, кира билан шуғулланмаслигини билдирганлигини, шундан сўнг ИХХБ ходимлари унга огоҳлантириш (Updated by Uppalok) бўлганлигини ва (Updated by Uppalok) жарима майдонига қўйилишини айтишганини ва Транспорт Бошқармаси ходими билан биргаликда ўз автомашинасида жарима майдонига ҳаракатланганлигини, Транспорт Бошқармаси ходими унга автомашинаси жарима майдончаси дарвозаси олидида тўхтатишини айтгани сабабли автомашинани жарима майдонига кирмасдан дарвоза ёнига қўйганлигини, шундан сўнг жарима майдончаси ичкарасига кираётган вақтида, ўзи билан иш жойига тегишли бўлган ҳужжатни қўлига олиб кирганлигини, нима сабабдан ушбу ҳужжатни олганини эслолмаслигини, таниши [REDACTED] унга баённома тузилганини автомашинасини жарима майдонига олиб кириши кераклигини айтганида, у автомашинасини олиб кириш учун дарвозани ёнига чиққан вақтида, ИХХБ ходимлари ва Транспорт Бошқармаси ходимлари ўзларини ишлари билан овора бўлиб, унга аҳамият беришмагани сабабли, бир оз кутиб, сўнг ишлари бўлгани сабабли бошқарувидаги автомашинада кетиб қолганлигини, воқеа куни унга нисбатан тузилган баённомани олмаганини ва нобуд қилмаганлигини, ҳолат юзасидан унга таниши [REDACTED] кўнғироқ қилиб, баённомани сўраганида, жарима майдони ёнига келиб баённомани излаганлигини, аммо топа олмаганлигини билдириб, иш бўйича адолатли қарор чиқаришни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED], Тошкент шаҳар Транспорт Бошқармаси ходими эканлигини, 2020 йил 8 июнда Учтепа туманида жойлашган “Дилором” тўйхонаси ёнида ўзига юклатилган хизмат вазифаларини бажариб турганида, кейинчалик шахсини билган [REDACTED] бошқарувидаги “Спарк” русумли автомашинани тўхтатганини ва автомашина салоида [REDACTED] дан ташқари яна бир йўловчи борлигини кўриб, у ҳақда маълумот сўраганлигини, [REDACTED] ушбу шахсни йўловчи эканлигини, 2.000 сўм эвазига уни кўчадан автомашинасига миндирганини айтганлигини, шундан сўнг [REDACTED] дан ҳужжатларни тақдим қилишини сўраганида, уни йўловчи ташишга лицензияси йўқлигини билиб, ҳолат юзасидан махсус рақамланган бланкада Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176³-моддаси билан маъмурий баённома тузганини ва автомашинани жарима майдонига жойлаштирилишини айтганлигини, [REDACTED] автомашинани жарима майдонига бошқариб бориб, бироқ автомашинани жарима майдони ичкарасига олиб кирмасдан, ташқари томонда қолдирганлигини, шундан сўнг жарима майдони махсус хонасига кириб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирганлигини, [REDACTED] маъмурий баённомани ўқиб кўришини айтиб, қўлига олганлигини ва автомашинани жарима майдонига олиб киришини айтиб, ташқарига чиққанлигини, бироқ [REDACTED] автомашинани жарима майдонига олиб кирмасдан, номаълум жойга кетиб қолганлигини ва ўзи билан маъмурий баённомани ҳам олиб кетганлигини, воқеа куни [REDACTED] уни кўз ўнгида маъмурий баённомани ўқиб кўриш учун олганлигини билдириб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED], “SHAMD” МЧЖга қарашли жарима майдонида катта навбатчи вазифасида



ишлаб келишини, 2020 йил июнь ойининг 8 кун иш жойида бўлган вақтида жарима майдонининг дарвозаси олдида “Спарк” русумли автомашина келиб тўхтаганини ва ундан кейинчалик шахсини билган судланувчи [REDACTED] хамда Транспорт Бюрога [REDACTED] (Сиргаласи Протокол) [REDACTED] анлигини, уларнинг ортидан хизмат автомашинасида ЙХХБ ходими ва Транспорт Вазирлиги ходими хам келишганини [REDACTED] жарима майдонига кириб, столга ўтиришганлигини, Транспорт Вазирлиги [REDACTED] жарима майдонига [REDACTED] нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилганлигини, шу вақт [REDACTED] стол устида турган маъмурий баённома [REDACTED] ҳужжатларни олиб, автомашинага ўтириб, катта тезликда кетиб қолганлигини ва қайтиб келмаганлигини, мазкур автомашина кейинчалик ЙХХБ ходимлари томонидан эвакуатор ёрдамида олиб келинганлигини, воқеа куни [REDACTED] маъмурий баённома ва ўзига тегишли бўлган ҳужжатларни стол устидан олганини шахсан кўрганлигини, [REDACTED] билан таниш эмаслиги ва унга нисбатан хусумати йўқлигини, [REDACTED] тухмат қилиш учун асоси йўқлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED], 2020 йил 4 июндан ДСЭНМга ишга жойлашиш мақсадида мурожаат қилиб ва [REDACTED] иш ўрганувчи сифатида бириктирилганлигини, Учтепа туманида жойлашган “Мадад-46” постида ишлаб келганлигини, 2020 йил 8 июнь мазкур постга келганида, постда хизмат олиб бораётган ЙХХБ ходими жарима майдонига автомашина олиб боришини, уни қайтариб ушбу постга олиб келишни илтимос қилганлигини, шундан сўнг розилик билдирганлигини, сўнг ЙХХБ ва Транспорт Вазирлиги ходими оқ рангли “Спарк” русумли автомашинага ўтириб, жарима майдонига кетишганлигини, у ўзини бошқақувидаги автомашинада уларнинг ортидан ҳаракатланганлигини, жарима майдонига етиб боришганида, кейинчалик шахсини билган Д.Исламова Транспорт Вазирлиги ходими [REDACTED] билан оғзаки гап талашганлигини, [REDACTED] [REDACTED] нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилганлигини, шу орада ЙХХБ ходими ва [REDACTED] жарима майдони ходими чақириб қолганлигини, улар столдан туриб кетишганлигини, бу вақтда маъмурий баённома ва [REDACTED] ҳужжатлари стол устида қолганлигини, [REDACTED] стол устида турган ҳужжатларни ва маъмурий баённомани олиб, автомашинасига ўтириб қочиб кетганини ва бошқа қайтиб келмаганлигини, воқеа куни [REDACTED] стол устида турган баённомани олиб кетиб қолганлигини шахсан кўрганлигини, [REDACTED] нисбатан тухмат қилмаётганлигини билдириб, кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED], ҳақиқатдан хам у “SHAMD” МЧЖга қарашли жарима майдонида навбатчи бўлиб ишлашини, 2020 йил 8 июнь соат 11:30 ларда ўз ишини олиб бориш учун ишга келаётган вақтида, унга олдиндан таниш бўлган [REDACTED] кўнғирок қилиб, қоида бузарлиги учун автомашинасини вақтинча у ишлайдиган жарима майдонига ЙПХ ва Транспорт вазирлиги ходимлари олиб келганлигини, уни етиб келишини айтганлигини, шундан сўнг у 5 дақиқада жарима майдонига етиб борганлигини, борган вақтида Д.Исламов, ЙПХ ва Транспорт вазирлиги ходими ва 4-5 та шахслар турганини кўрганлигини, шунда [REDACTED] ЙПХ ходимларига уни автомашинасини жарима майдонига киргизмасликни бошқа



конунбузарлик қилмасликни айтиб турганини кўриб эшитганлигини, шундан сўнг у ичкаридаги стол устига қараган вақтида, Транспорт вазирлиги ходими томонидан [REDACTED] нисбатан маъмурий баённома тузилаётганини кўриб, [REDACTED] (Қўғдаги тўққон версияда ёзилган ҳужжат) майдончасига олиб киришини айтган вақтида [REDACTED] стол устидан маъмурий баённомани олиб, автомашинасини жарима майдончасига олиб кириш мақсадида чиқиб кетганлигини, шунда Транспорт вазирлиги ходими [REDACTED] маъмурий баённомани ташлаб кетишини [REDACTED] вақтида, [REDACTED] автомашинасини жарима майдончасига олиб кириб кетиб қолмаслигини айтганлигини, у ҳам [REDACTED] таниганлиги сабабли ишонганлигини, лекин [REDACTED] автомашинасига ўтириб кетиб қолганлигини, шунда у дарҳол ўз автомашинасига ўтириб [REDACTED] кетидан ишхонасига борганида, [REDACTED] ишхонасида бўлмаганлигини, сўнг [REDACTED] уйдагилари билан гаплашиб, [REDACTED] маъмурий баённомани олиб кетганини ва зудлик билан қайтариб беришини илтимос қилиб сўраганлигини, сўнг [REDACTED] кўнғироқ қилиб, нега бундай иш қилганини айтганида, [REDACTED] ҳеч қандай баённомани олмаганини айтганлигини, лекин у [REDACTED] маъмурий баённомани олиб чиқиб кетганлигини ўз кўзи билан кўрганлигини билдириб, берган кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED], суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳлар [REDACTED] ва [REDACTED] кўрсатувларига мазмунан ўхшаш кўрсатувлар берди.

Суд, судланувчи [REDACTED] мазкур жиноятни содир этганликдаги айби уни айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, маъмурий баённома, далолатнома, билдирги, юзлаштириш баённомалари, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомалари ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ исботини топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] воқеа куни баённомани олмаганлиги, ЙҚХБ ва Транспорт Бошқармаси ходимлари ўз ишлари билан бўлиб, унга аҳамият беришмаганидан сўнг жарима майдонидан автомашинасига ўтириб кетиб қолганлиги ҳақидаги кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95, 112-моддалари тартибида баҳо бериб, унинг мазкур кўрсатувлари суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг воқеа куни [REDACTED] ЙҚХБ ходими ва Транспорт Бошқармаси ходимларини стол устида бўлган маъмурий баённомани олиб, автомашинасида номаълум жойга кетиб қолганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан тўлиқ рад этилади деб ҳисоблаб, судланувчи томонидан мазкур кўрсатувлар судни чалғитиш ва жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида қилинган саъй-ҳаракатлар деб баҳолаб, мазкур қарама-қаршилик суд тергови жараёнида тўшлиқ бартараф қилинди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг ташкилотнинг қатъий ҳисобдаги бланкасини жавобгарликдан қутулиш мақсадида эгаллаш ва нобуд қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, уни муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий шароитини,



уни ёшени жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддаси, яъни инсонпарварлик принципи ва Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси) Конституциясининг 10-моддасига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун қўйилган тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, [REDACTED] шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий шароитини инобатга олган ҳолда, унга нисбатан модда санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд мазкур жиноят иши юзасидан ашёвий далил тариқасида олиниб, жиноят ишига қўшилган 2 дона DVD+R дискларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлаш учун қолдиришни лозим деб топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

х у к м қ и л д и :

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED]га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари – 2.230.000 (икки миллион икки юз ўттиз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

[REDACTED]га нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин, ҳукм қонуний кучга киргач эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, жиноят иши юзасидан ашёвий далил тариқасида олиниб, жиноят ишига қўшилган 2 дона DVD+R диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлаш учун қолдирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Д.Камилов

